



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Бировни  
ёд этмоқ  
йўқламоқ  
эмас,  
соғинишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 22-dekabr, seshanba, 149 (23.429)-son

**В**илоят ҳокимлигида халқ таълими соҳасида қилинаётган ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

## Халқ таълими бошқармасига янги раҳбар тайинланди

Бу йил мактаб битирувчиларининг олий ўқув юр்தларига ўқишга кириш кўрсаткичи паст бўлгани олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўплигини аналтади, деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. Шу сабабли биз олий таълим муассасалари ректорлари, профессор-ўқитувчилар билан келишиб, рейтинг кўрсаткичи паст бўлган Паст Дарғом ва Ургут тумани бўйича янги тажриба жорий этишга қарор қилдик. Яъни, Ургут туманидаги 143 та ва Паст Дарғомдаги 127 та мактабга олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари бириктирилди. Масъуллар ўзлари бириктирилган мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларидан ҳар ойда тест олиб, уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Шунингдек, олий ўқув юр்தлари битирувчиларини мактабга жалб этади, рақобат муҳитини яратади ва натижадорлигини таъминлайди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Саидхон Усмоновнинг қирқ йилдан ортиқ таълим соҳасидаги хизматлари эътироф этилиб, нафақага кўзатилади. Шу пайтга қадар Самарқанд тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб борган Зебинисо Шодиева вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Йиғилишда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари У.Шарифхўжаев иштирок этди.


Хўрида ЭРНАЗАРОВА.

## Самарқандда IT-PARK филиали очилди

Самарқанд шаҳрида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парк – IT-Parkнинг ҳудудий филиали замонавий инфратузилмага эга бинода ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекось иштирок этди.

Фойдаланишга топширилган бино



янги лойиҳалар яратиш учун катта имконият, деди Олег Пекось. – Албатта, дастурий маҳсулотлар, стартап, инновацион лойиҳалар яратиш ва уларга миқоз топши, хизматларни хорижга экспорт қилиш осон кечмайди. Аммо ишонманки, самарқандликлар бунинг удрасидан чиқади. Сабаби, вилоятда мазкур соҳага қизиқувчи иқтидорли ёшлар кўп. Бинода коворкинг маркази, резидент-

лар ва стартапчилар учун жойлар, замонавий ўқув хоналари, робототехника, киберспорт, музокара ва учрашувлар хоналари (meeting room), конференц зал, интернет-кафе ва бошқа ёрдамчи хоналар мавжуд ва улар энг сўнгги дизайн асосида ташкил этилган.

Филиал вилоятда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган юридик шахслар, олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, бу ерда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида ташкил этиладиган рақамли технологиялар марказлари фаолият олиб боради. Ҳозирги кунда 6 та шаҳар ва туманларда мазкур марказлар ташкил этилди, жорий йил якунига яна 4 та шу каби марказлар ишга туширилади.

Филиал ташкил этилиши натижасида вилоятда 50 та янги IT корхоналар, 200 та янги иш ўринлари ва 100 дан ортиқ



стартап лойиҳалар ишлаб чиқилиши режалаштирилмоқда.

– Бугун замон ўзгаряпти, ҳаётимизда ахборот технологияларининг ўрни ошиб бормоқда, давлат ва жамият ҳаётида ҳам рақамли иқтисодиёт роли ортмоқда. Ана шундай пайтда IT-Parkлар замон билан ҳамнафас инсонлар, айниқса, ёшларнинг сеvimли масканига айланади, деди Э.Турдимов. – Шунинг учун келгусида барча туман ва шаҳарларда, Самарқанд шаҳрининг ўзидан бир нечта IT-Parkлар бўлади.

Ўлқин СИДДИҚОВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ.

## БОЗОРДА маҳсулот кўп

нархлар харидорга маъқулми?

Байрамлар арафасида аҳолига қулайлик яратиш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш учун арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилмоқда. «Темирйўл деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган ярмарка билан танишдик.

Мазкур бозорда савдо корхоналари салқин ичимликлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар савдосини арзон нархда ташкил этиш режалаштирилган. Бозорга бириктирилган корхоналарнинг аксарияти ўз маҳсулотини келтирган.

Паст Дарғом, Тойлоқ ва Оқдарё тумани фермер хўжалик-

лари ўзлари етиштирган гўшт, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева-сабзавотлар билан байрам ярмаркасида иштирок этмоқда. Мисол учун, ярмаркада қорамол гўшти 50 минг сўмдан (ўтган йил 40 минг сўм эди) сотилмоқда.

– Бозорда жами 547 та савдо растаси бор, шундан 76 тасини арзонлаштирилган ярмарка иштирокчиларига ажратиб бердик, – дейди «Темирйўл деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти директори Ғайрат Ақобиров. – Бозорга бириктирилган туманлардаги фермер хўжаликлари томонидан кунига 1 тоннага яқин қорамол, қўй ва парранда гўшти, 200 кило-

грам балиқ, 5 минг дона туҳум, 5 тоннага яқин картошка, сабзи, пиёз, сабзавот ва мева келтирилмоқда. Маҳсулот турини кўпайтириш ва нарх барқарорлигини таъминлаш учун сотувчиларга қўшимча расталар ташкил этилган. Бозор қошидаги «Темирйўл саховати» шўба корхонаси томонидан 8 растада аҳоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гўшт, гуруч ва бошқа маҳсулотлар савдосини ташкил этдик. 23 декабрдан савдо ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан арзон нархда ун ва ёғ ҳам келтирилади.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Хўсан ЭЛТОВЕВ (фото).



## Ёшлар фестивали

янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда

Айни кунларда вилоятимизда «Ёшлар фестивали» тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Фестиваль доирасида Самарқанд шаҳридаги 3-сонли болалар мусика ва санъат мактабидан маданий тадбир ташкил этилди. Унда Нуробод тумани Тим қишлоғидан келган Сайим бахши ўғли Ислонбек «Янги Ўзбекистоним» номли термадан парча куйлади.

– Бобом Мамай бахши нарпайлик Ислон шоирининг шогирди бўлган, деди Ислонбек Мамаев. – Бобом дўмбирасини отамга топширган. Отамдан мен олмоқчиман. Келгусида турли фестивал ва танловларда қатнашиб, ўзбек бахшичилик санъатининг доврўгини дунёга тарамаман. Бобомнинг орзуси бўлган, аммо хали унчалик танилмаган Тим дostonчилик мактаби фаолиятини ривожлантириш асосий мақсадим.



Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида «Муваффақиятга эришиш сирлари» мавзусидаги тадбиркор ва ёшлар учрашувида Самарқанд туманида яшовчи тадбиркор Абдужаббор Умаров иштирок этди.

У тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган ёшларга ўз тажрибаларини ўргатди.

Оқдарё туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабида «Ким юртига содиқ бўлса, мендирман ўша» шиори остида бўлиб ўтган учрашувда ўқувчи-ёшларга Ватан химоячисининг вазибалари, буюк саркарда Жалолиддин Манғуберди жасорати ҳақида сўзлаб берилди.

Ҳарбийларнинг жанговар чиқишлари, қурол-аслаҳалар кўргазмаси ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

## Ҳокимлар нега мурожаат қилди?

Хуқуқий давлатда шундай – барча ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қонун доирасида амалга оширилади. Қонунлар эса ўз навбатида Конституция асосида қабул қилинади.

Ўтган икки ҳафта давомида Асосий қонунимизда белгиланган нормага асосан шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мурожаати тингланди. Яъни, Бош қомусимизда белгиланган «... вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади» қондаси реал ҳаётда ўз аксини топди.

### БУ НИМА БЕРДИ?

Қайд этиш лозимки, бундай тадбирларда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ҳууддан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари иштирок этади. – Жойларда ўтказилган сессиялар, аввало, жамоатчиликка ҳудудда амалга оширилган ишлар ҳақида умумий ҳулоса берди, – дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ўқтам Саидмуродов. – Бу аввало, ўз тақдирига, шу орқали ҳудуд ривожига бефарқ бўлмаган одамга келгуси ишларини режалаштириш учун катта ахборот манбаи, деб биламан. Негаки, мурожаатлардан туманда фойдаланилмаган имкониятлар, қайси соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида ҳулосалар чиқарилади.

Муҳими, ҳокимларнинг сессияда қилган мурожаати улар халқ олдида ҳисобдор эканликларининг амалий намунаси бўлганлиги билан ҳам аҳамиятли, деб ўйлайман.

### БЮДЖЕТГА ҚАРАБ ГАПИРИЛАДИ

Ҳокимларнинг халқ депутатлари шаҳар ёки туман Кенгашларидаги мурожаатларини тингларкансиз, бир қатор фикрлар тўғрилиги табиий. Бу, аввало, аксарият ҳокимлар фақат 2020 йилда амалга оширилган ишлар билан чекланиб қолганлиги билан боғлиқ. Ваҳоланки, мурожаатноманинг номидаёқ «2021 йилда режалаштирилган ишлар», деган сўзлар бор эди.

– Бу биринчи навбатда маҳаллий ҳокимларнинг республика бюджетига ёки қабул қилинадиган давлат дастурларига қараб қолгани билан боғлиқ, – дейди иқтисодий таҳлилчи Илҳом Вафоев. – Негаки, келгуси режалари ҳақида маълумот бериш учун туман ҳокимлиги иштирокчи эркин қолдиқ маблағлари бўлиши керак.

Тўғри, пандемия туфайли аксарият туманларимиз бюджетга кутулган даражада бўлмади. Аммо бу келгуси йил учун «олма пиш, оғзимга туш» қабилда иш юритишга асос бўлмаслиги керак. Назаримда, туман ҳокимларини бюджет даромадларини бюрократик усул билан эмас, тадбиркорлик орқали тўлдириш бўйича ўқитиш лозим.

### ШАКЛ ЎЗГАРГАЧ, МАЗМУН ҲАМ ЯНГИЛАНСА...

Аксарият ҳаммасларимизнинг фикрича, Кенгашларга бўлган муносабат йил сайин ўзгариб бorganи билан уларда иш услубий ўзгариши кийин кечмоқда.

– Ҳоким сессияда ҳисоб бeraптими, дeмак олд қаторларда депутатлар ўтириш керак, – дейди Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими масул котиби Хўсан Элтоев. – Қайси туманга борманг, олд қаторларни сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари ёки бошқа раҳбарлар банд қилган бўлади. Айрим депутатлар залнинг охирида, журналистлар билан ўтирганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Оддий кўрингани билан бундай ҳолат ҳам депутатдаги журъатни пасайтириши табиий. Балки шунинг учун ҳам олдиндан тайёрлаб берилгани кўриниб турган саволларни ҳам депутатлар равон ўқиб беролмади. Айрим жойларда сессияни олиб борувчи «ҳокимга саволлар борми», деса тайинланган депутат «саволмаску, тақлифим бор», деб сўроқ гапни шариллатиб айтганини қандай тушуниш мумкин?

Балки шунинг учун жойларда ҳалигача маҳаллий раҳбарларга ишонч шаклланмапти. Эйтибор қилсангиз, вилоят ҳокимининг мурожаати ижтимоий тармоқлар орқали 200 га яқин муносабат билдирилди. Айрим туман ёки шаҳар ҳокимларининг мурожаатларига биронта муносабат бўлмади.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Бахтиёр Ёдгоров ишбилармон ёшлардан бири. У 2011 йилдан бери сартарошлик билан шуғулланиб келади. Бахтиёр ўз касбини оддий деб билмай, ўқиди, изланди. Натижада мамлакатимизнинг тажрибали, етакчи сартарошларидан бирига айланди.

### Москваликларга маҳорат дарси ўтган

Бундай таърифлашимизга сабаб бор: 2017 йилда сартарошлар ўртасида ўтказилган республика танловига ғолиб бўлди ва 2018 йилда Россиянинг Москва шаҳридаги сартарошларга маҳорат дарсларини ўтди.

– Аввалига яқинларим, дўстларим орасида сартарошлик ҳам касбини, деганлар бўлди, – дейди Б.Ёдгоров. – Аммо бу гап-сўзлар мени мақсадим йўлидан қайтаролмади. Ўз устимда ишладим. Устозлардан сабоқ олдим. Бугунги кунда эса шогирдларимга сартарошлик

сирларини ўргатяпман. Хўнарим орқасидан тадбиркорликка ҳам қўл урдим. Ўз сартарошхонамни очдим ва 7 нафар ёшни иш билан таъминладим.

Т.НАРЗУЛЛАЕВ.

## САРТАРОШ

БУГУННИНГ ГАПИ

◆ Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилганми?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

# Одамлар ишончи – масъулият

1. Округ 22 маҳалладан иборат. Уларнинг ҳар бирида депутат қабулхонасини ташкил этганман ва сайловчилар билан доимий мулоқотдаман.



Жорий йилнинг ўтган даврида худудда давлат дастурлари бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Зангибойи, Боғишамол ва Тосқултон маҳаллаларида янги сув иншооти қурилмоқда. Бу иш учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратилиб, 650 хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чоралари қўриллаётди.

Таъмирланаётган йўллар, янги барпо этилаётган мактабга таълим муассасалари сайловчилар учун одатий ҳолга айланди. Мухими, бугун худудда инфраструктуранинг яхши-лаш учун туман маҳаллий бюджетидан ҳам катта маблағлар ажратилмоқда. Белгиланган юмшларнинг ўз вақтида бажарилишини доимий депутатлик назоратига олганмиз.

2. Сайлов округимдаги маҳаллаларда турли учрашувлар, тадбирларда мунтазам равишда қатнашиб келяман. Телеграм ижтимоий тармоғида махсус гуруҳ тuzиб, маҳалла раислари ва сайловчиларим билан онлайн алоқани йўлга қўйганман. Паст Дарғом туманидаги Қўйи Дарғом, Зангибойи, Бахшибойи, Жоулқосим, Боғонали маҳаллаларида

ўтказилган учрашувларда аҳолидан электр энергияси, тоза ичимлик суви ва йўлларни таъмирлаш масаласида муносабатлар бўлди. Ҳар бир муносабатни ўз вақтида ўрганиб чиқиш, масалани ижобий ҳал қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юбордим.

3. Ўтган давр мобайнида сайловчилар муносабатларини инобатга олган ҳолда 7 та депутатлик сўрови чиқариб, тегишли мутасадди ташкилотларнинг жавоб хатларини олганман.

Аҳоли муносабатлари ва сайловчилар билан учрашувда кўтарилган масалалар юзасидан Паст Дарғом тумани халқ таълими бўлими, туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўровлари юбордим ва муаммолар ижобий ҳал қилинди.

**Ш.НУРМУЙНОВА,**  
халқ депутатлари  
вилоят  
Кенгаши депутати.

# Кимларга субсидия берилади?

Президентимиз 2020 йил 7 декабрда "Ипотека кредити механизмларини янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" фармон қабул қилди.

Фармонга асосан хусусий пудрат ташкилотлари томонидан хоналарга бўлинмаган ҳолда қурилган квартираларни сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитларининг чекланган миқдори белгиланди:

Тошкент шаҳрида майдони 60 квадрат метргача бўлган квартиралар учун 264 миллион сўм, майдони 60 квадрат метрдан ортиқ бўлган уй-жойлар учун 352 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилади. Бошқа ҳудудларда майдони 60 квадрат метргача бўлган квартиралар учун 240 миллион сўм, майдони ундан ортиқ бўлганлари учун 320 миллион сўмгача ипотека кредити берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги қарорига ўзгартиш киритилиб, субсидия олиш учун ариза топшириш муддати 2020 йил 31 декабрга қадар, тўлов муддати 2021 йил 1 июлга қадар узайтирилди. Субсидия олиш учун муносабат қилган ариза берувчининг даромадларига энди бошқа шахслар даромадлари ҳам киритилиши мумкин.

Ҳўш, субсидия ўзи нима? Ипотека субсидияси – ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва кредит фойзларининг бир қисмини қоплаш мақсадида давлат бюджетидан фуқарога берилган маблағ ҳисобланади.

Субсидия маблағлари кам таъминланган, уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, субсидиялар

бир оилага (оила аъзоларининг биттасига) фақат бирламчи бозордан сотиб олинган уй-жойлар учун бир марта берилади. Бунда бошланғич бадал учун бериладиган субсидия уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорда, қишлоқ ва шаҳарларда биринчи 5 йил давомида ипотека кредити учун фойз тўловларини қоплаш мақсадида 10 фоиздан, Тошкент шаҳрида 12 фоиздан ошган қисми учун ҳар ойнинг 25-санасигача берилади.

Субсидия олишга ариза топширган шахс сўровини кўриб чиқиш уй-жой сотиб олиш учун субсидия тўланадиган шахсларни танлаш жараёнида маълумотлар истисно тарихида бепул амалга оширилади. Субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома календарь йил якунига қадар амал қилади. Ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра 30 ва ундан юқори балл тўплаган, лекин жорий йил учун белгиланган субсидиялар сони тугаганлиги сабабли субсидия олиш имкониятига эга бўлмаган талабдорлар кейинги йил учун субсидия олувчилар рўйхатида автоматик тарзда киритилади.

Шунингдек, хорижий давлатда меҳнат мигрантининг оила аъзолари унинг номидан субсидия олиш тўғрисида фақат бирламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ариза топширишлари мумкин. Илгари имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда уй-жой харид қилган оила аъзоларининг субсидия олиш учун такроран қилган муносабати рад этилади. Потенциал қарз олувчиларга ўрнатилган мувофиқлик мезонларига жавоб берадиган, қарз юки кўрсаткичи 70 фоиздан юқори бўлмаган, ипотека кредитини ажратишни кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаган шахслар янги тартиб асосида ипотека кредитлари олиши мумкин.

**Давлат хизматлари маркази вилоят бошқармаси ахборот хизмати.**

◆ Матбуот анжумани

Вилоят, туман ва шаҳар архив муассасаларида қарийб 12 мингта фонд 1 миллион 459 минг 836 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар сақланмоқда. Шундан асосий фаолиятга оид ҳужжатлар 837 минг 290 сақлов бирлигини, шахсий таркибга оид ҳужжатлар эса 622 минг 546 сақлов бирлигини ташкил этади.

# 9 ойда архивларга 35 мингдан ортиқ муносабат бўлди



Бу ҳақда вилоят Матбуот уйида вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдували Мамажанов журналистлар билан учрашувда маълумот берди.

Вилоят архив муассасалари жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари ижроси юзасидан жорий йилнинг 9 ойида жами 35 минг 537 та, шундан 29 минг 236 та ижтимоий-ҳуқуқий, 6301 та мавзули сўровлар келиб тушган ва уларнинг 32 минг 554 таси ижобий ҳал этилган. Жисмоний ва юридик

шахслардан келган 20 минг 194 та сўровга бепул архив хизмати кўрсатилган.

Коронавирус пандемияси даврида сўровларни қабул қилиш ягона интерактив давлат хизматлари портали, электрон почта, телеграм мессенжери орқали амалга оширилди.

Кейинги 2 йилда Паст Дарғом, Нарпай, Каттақўрғон туман давлат архивларида қурилиш ишлари амалга оширилиши, замонавий мобил жавонлар билан таъминланган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Бу – факт!**  
1991 йилдан 2018 йилгача вилоятимизда кичик бизнес субъектлари сони 27 минг 322 тани ташкил этган бўлса, кейинги икки йилда уларнинг сони 1,7 баробарга ортиб, 34 минг 524 тага етди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар сони эса 29,8 мингдан ошди.

Жамият мавжуд экан, турли ташаббуслар, ғоялар, уларни амалиётга татбиқ этиш, шу орқали ундаги муаммоларни ҳал қилиш механизмлари доимий ишлаб туради. Иқтисодий ислохотлар, ташаббусларнинг натижасини қисқа фурсатларда билиш, аниқлаш ҳамда ўрганиш мумкин. Аммо шундай соҳалар борки, унинг самараси дарҳол кўзга ташланмайди.

# ОИЛА – яна очиқ қолган ўчоқ

Ўтган йилларда хотин-қизлар масалалари бўйича олиб борилган ишлар шу юртнинг бир фуқароси сифатида менда баъзи эътирофлар билан бирга эътирозлар, фикрларни ҳам келтириб чиқарди. Яхши биламиз, хотин-қизлар кўмитаси тузилмаси тугатилиши баробарида унинг вазифалари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди.

Умуман, хотин-қизлар кўмитаси сифатида фаолият кўрсатиб келган пайтларида ҳам бу тузилмада тез-тез янгиликлар содир бўларди. Дейлик, бундан бир неча йиллар аввал турли масалаларда муаммоларга дуч келган хотин-қизларга ёрдам бериш мақсадида «Аёллар маслаҳат маркази» ташкил этилган эди. Ҳар бир вилоят, туман ҳокимликлари бюджет маблағлари ҳисобидан ўз худудида замонавий бинолар қуриб, уларни меъба ва компьютерлар билан жиҳозлади. Мазкур марказларда психолог, шифокор ва яна бошқа мутахассислар жамоатчилик асосида фаолият олиб борди. Таълим муассасаларида «Ораста қизлар» тўғрақлари ташкил этилди. Аммо орадан бир йил ўтиб-ўтмай «Аёллар маслаҳат маркази» фаолияти оралиқда қолиб кетди. Таълим муассасаларидаги «Ораста қизлар» тўғрақлари қизлар клубларига айлантирилди. «Оила» марказлари ташкил этилиб, уларда штат асосида ходимлар фаолият юрита бошлади. Айтиш керак, бу фаолият бирмунча самарали бўлди. Сабаби, мазкур марказнинг номида илмий сифати борлиги учун ҳам фаолиятини аниқ мақсадлар билан амалга ошира бошлади. Ҳақиқатан ҳам оиладаги муаммолар, мавжуд ҳолатлар маънавият илмий ўрганишга муҳтож эди. Ушбу марказ кенг доирада фаолият олиб бормоғунга қадар маънавият илмий оилалардаги аҳолининг аниқ бир умумий кўриниши мавжуд эмасди. Марказ иш бошлаши билан бу борада аниқ рақамлар, фактлар пайдо бўла бошлади ва уларнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилди. Афсуски...

Орадан маълум вақт ўтар-ўтмасдан мазкур марказлар фаолияти тўхтаб қолди. Тўғри, бунга бутун бошли тизимдаги ўзгаришлар сабаб бўлди. Нафақат «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, балки хотин-қизлар кўмиталари ҳам тугатилди. Янаям аниқроқ ифодаладиган бўлсак, мустақил фаолият олиб борган, ўз тизимига

эга бўлган учта ташкилот битта қозонда қайнай бошлади. Фаолиятнинг бу каби кўринишда кескин тус олиши, табиийки, аҳолига эмас, кўпроқ ушбу ташкилот фаолларига ёқмагандай бўлди. Бир қараганда мақсад аниқ, оилалар билан ишлайдиган аниқ ташкилотларнинг боши бириктирилди. Эҳтимол, унинг ишлаш механизми ҳам йиллар давомида шаклланиб, тақомиллашиб борар. Аммо ушбу тизим иш бошлаганда хотин-қизлар ўртасидаги турли муаммоларни ҳал қилиш масаласи очиқлигича қолиб кетди. Сабаби аён. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси раҳбарининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари даста ўнчалик узун эмас. У битта муаммони олиб чиқиш учун қатор тўсиқларни енгиб ўтиши керак бўларди. Шунинг учун орада юқорида номлари айтиб ўтилган ташкилотлар амалга ошираётган ишларнинг ҳавода муаллақ қолиб кетгани баъзи муаммоларнинг ечилимай, кенг оммага ошқор бўлиб кетишига олиб келди. Ва... орадан бирмунча вақт ўтмай яна маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари ҳокимнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчисига айланди. Хуллас, бундай шаклдаги ишнинг илк камчилиги юзага чиқиб қолди, назаримда.

Мақолада атайин мутахассисларнинг фикрини келтирмадим, тўғриси, келтиролмайман ҳам. Сабаби, бу ҳақда матбуотга гапиришни истайдиганлардан кўра, жим туришни, ўзи фаолият кўрсатаётган соҳадаги камчиликларни ичга ютиб ишлашни афзал билаётганлар кўп. Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир нутқидан халқ билан мулоқот, раҳбарларнинг аҳоли муаммоларини реал ўрганишини айтмоқда. Айнан мана шу тизим, яъни аҳоли муаммоларини куйидан ўрганиш механизми энг катта ислохотлардан бўлди, назаримда. Жойларда пойтахтдан келган баъзи раҳбарларнинг туманлардаги аҳолидан ҳайратга тушганига қўпчилик гувоҳ бўлгани ҳам бу тизимнинг нечоғлик зарурат эканлигини аниқлатади.

Аҳоли муаммоларини куйидан ўрганиш тизими кўп соҳаларда аҳолини реал баҳолаш ва шунга кўра ҳаракат қилиш имконини берибди. Мисол учун, камбағалликни қисқартириш борасида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда масала кенг қўламда ўрганилди ва чора-тадбирлар ўрганишлар натижасига қа-

◆ Мулоҳаза, мунозара



раб янгилашиб бораверганига гувоҳ бўлдик. Дейлик, илгари аҳолининг имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган иссиқхона қуриш, жўжа тарқатиш ишлари олиб борилди ва бу қисқа муддатда ўз самарасини бермагани туфайли мутасаддилар аниқ ўрганишларга асосланган ёрдам бериш усулларига ўтди. Бугун ҳарқалай бу масалада реал ҳолатларни, аниқ рақам ва мисолларни келтириш мумкин. Эътиборлиси, тизим ой сайин тақомиллаштирилмоқда, зарур бўлса янги чоралар қўрилмоқда. Ҳўш, оила, хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ тизимда ҳам ўзгаришлар шу ўрганишлар натижасида амалга оширилди-микан? Оиладаги моддий, ижтимоий аҳвол, эҳтимол, бир марта ўрганилиши натижасида хулоса чиқаришга имкон беради. Аммо оиладаги муносабатлар, нотинчликларни келтириб чиқарувчи омиллар, вояга етмаганларнинг руҳий ҳолати, уларнинг муаммолари каби кўплаб масалаларни ўрганиш эса афсуски, ҳамон очиқлигича қолаётди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси оилаларни ўрганиш масаласида ҳам қатор ишларни олиб бораётгандир. Лекин юқорида айтилган вазиятларни илмий ўрганиш ва шундан сўнггина унинг чораларини кўриш бугунги ҳаётини зарурат, деб ўйлайман.

Қолаверса, миллий менталитетимиздан келиб чиқадиган бўлсак, хотин-қизлар ўз фикр, дардларини маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасига эшик қоқиб бориб айтиши даргумон. Сиз бугун у ёки бу соҳа раҳбарларининг қабулларидан ҳеч бир ҳаёсиз, барча дардларини дoston қилаётган аёлларни кўрмагандирсиз, муҳбир сизнинг, дея киноя қилишга шошилман (аслида шундай аёллар қатламининг пайдо бўлгани ҳам ўрганишга арзигулик жиддий масала). Бировга айтишга истиқола қилиб, тўсатдан уйда жиддий жиноятлар содир бўлаётган оилалар қўпчилигини мутасаддилар мендан кўра яхшироқ билишади. Айтмоқчи бўлганим эса шу, бизга чора-тадбирлар тузадиган эмас, оиладаги муҳитни реал ўрганишдан ва унга қараб аниқ «ташхис қўядиган» ташкилот зарур. Мутахассислардан бу масаладаги фикрларини кўтиб қоламиз.

**Гулрўх МҲМИНОВА,**  
«Зарафшон» мухбири.



# 44 ТА УЙ – ЭҲТИЁЖМАНДЛАРГА

Паст Дарғом тумани ҳокимлиги томонидан Гўзалкент массиви Пахтакор маҳалласидаги фойдаланилмаётган бўш ер майдонида 44 та уч хонали уй-жой барпо этилмоқда. Бу уйлар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, чин етимларга бепул берилади.

– Турмушим бузилиб, 15 йилдан бери уйсизман, – дейди Саодат Олтибоева. – Айни пайтда қизим ва унинг икки нафар фарзанди, ўғлим биргаликда яшаймиз. Оилавий шароитимиз оғирлиги учун ўғлим ва неварам Россияга ишлашга кетган эди. Пандемия сабаб улар ҳам оғир аҳволда – на ортага қайта олади, на тайинли ишлайди. Ижарама-ижара юриб, иложсизликдан туман ҳокимига муносабат қилдим. Ушбу хонадонлардан бирини менга берди. Ўзим рус тили фани ўқитувчисиман. Шу худуддаги

мактабга ишга жойлашдим. Яқин кунларда ўғлим ва неварам ҳам қайтиб келади. Энди ўз уйимиз бор.

Мазкур худудда "Самарқанд Камалак инвест текстил" масъулияти чекланган жамияти томонидан тикув цехи ташкил қилиниши белгиланган. Келгуси йилда фаолият бошлайдиган тикув цехида яратиладиган 50 иш ўрнига ушбу хонадонларда яшовчилар ишга қабул қилинади. Шунингдек, бу ерда умумий ҳаммом ва замонавий савдо дўкони қурилади.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Ҳокимлар нега мурожаат қилди?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

МАТБУОТ АНЖУМАНИ КИМ УЧУН?

Ҳокимлар мурожаатидан сўнг матбуот анжуманлари ҳам ўтказилди. Бу аксарият ҳолларда мажбурият юзасидан ташкил этилган деб бўлиб қолди.

Бизнингча, бу аввало, аксарият ҳокимлар ҳали бу жараёнга, яъни журналист ва блогерларни тўплаб, уларнинг саволларига жавоб беришга тайёр эмас. Чунки, айрим ҳокимлар ҳатто неча журналист келгани ва қандай саволлар бўлиши билан олдиндан қизиққанига гувоҳ бўлдик. Ваҳоланки, ушбу жараён қанча кўп ёритилса, журналистлардан қанча кўп савол бўлса, бу фақат ўша ҳудуд раҳбарларига фойдаку.

Балки бошқачадир, ammo аксарият матбуот анжуманлари бизда шундай таассурот қолдирди.

ЯНГИЛИКЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ(МИ)?

Маълумотларга кўра, мазкур амалиёт ахборот хизматлари учун ҳам ўзига хос бир синов бўлди. Негаки, аксарият ҳолларда якуний

матн айнан ушбу соҳа мутахассислари томонидан жамланди ёки тайёрланди.

Мурожаатлардан ахборот хизматларининг иқтисодий, сиёсий саводхонлигини ошириш учун ўқувлар ташкил қилиш зарур, деган хулосага келиш мумкин. Чунки, мурожаатлар деярли бир хил қолип (шаблон)да тайёрланган. Ваҳоланки, ҳар бир туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тақдорланмаслиги тайин.

Қолаверса, тезкор тайёрланган бу мурожаатларда ҳокимнинг ҳудуддаги одамларга ҳисоботи тарзида ёндашилмаган. Оқибатда баъзи ҳокимлар мурожаатни тугатиш учун белгиланган регламентдан кўпроқ вақт ўқиш билан овора бўлди.

Умуман, бугун очиклик, бошқарув тизимида шаффофлик масаласи кун сайин ривожланиб, замонавийлашиб бормоқда. Шу маънода ахборот хизматларининг ҳам моддий таъминоти, ҳам штатлар жадвали-ю фаолиятини янгилаш, балки қайта кўриб чиқиш керакдир.

Ёқубжон МАРҚАЕВ, «Зарафшон» муҳбири.

Коллеж ва техникумларга 15 минг нафарга яқин абитуриент ўқишга қабул қилинди



Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 7-сон баёнига мувофиқ вилоятдаги 12 коллеж ва 9 техникумда тест синовлари ўтказилди.

Саралаш тест синовлари Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Булунгур, Иштихон, Нуробод, Пахтачи ва Қўшрабат туманларида 2020 йил 23-28 ноябрь кунлари бўлиб ўтди.

Тест синовларида коллеж ва техникумларга ҳужжат топширган 17524 нафар абитуриентдан 13950 нафари (79,6 фоизи) ёзма имтиҳонларда эса 4283 нафар абитуриентдан 2723 нафари (63,6 фоизи) иштирок этди.

Тест ва ёзма имтиҳонлар натижалари жорий йилнинг 17 декабрь куни эълон қилинди.

Имтиҳон натижаларига асосан идоравий коллежларга 5385 нафар, техникумларга 9354 нафар (жами 14739 нафар) абитуриент

ўқишга қабул қилинди.

Бугунги кунда вилоятдаги 74 та (37 та касб-хунар мактаби, 15 та коллеж, 22 та техникум) профессионал таълим муассасаларида абитуриентлар сони 23137 нафарни ташкил этади.


Вилоят бўйича энг кўп ҳужжат топширган Самарқанд Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми бўлиб, унга 2504 нафар абитуриент ҳужжат топшириб, 604 нафари талабалар сафига қабул қилинди.

Саралаш тест синовлари натижаларига кўра, тўплаган энг юқори балл тиббиёт йўналишида - 182,6, темир йўл соҳасида 160,8 балл, педагогика йўналишида 120,1 баллни ташкил этди.

Ўқиб II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, меҳрибонлик йиллари тарбияланувчиси ёки кам таъминланган оила фарзандлари қабул режасидан ташқари грант асосида ўқишга қабул қилинди.

Отажон НОРОВ.

Халқнинг содиқ фарзанди эди



Фаражулла Маҳмудов ўзининг ҳаёти ва куч-ғайратини халқ ишига бағишлаган, курашларда тобланиб, тарих ва рақларида ўзига яраша из қолдирган инсон. Шунинг учун ҳам унинг хотираси кишилар қалбида ҳамон бәрҳаёт.

Фаражулла Маҳмудов 1890 йил 7 апрелда Самарқанд туманидаги Хўжасаҳат қишлоғида туғилди. Рўзгор ташвишлари туфайли оддий деҳқон фарзандига мактабда тахсил олиш насиб этмади. Вояга етиб, қўлидан иш келиши билан ширкатчи бойларнинг Самарқанддаги чой қадоклаш фабрикасида меҳнат қила бошлади.

Ёш Фаражулланинг дунёқараши шу ерда, шундай шароитда шаклланиб, ўткирлаша борди. Иккиланиб ўтирмай илғор фикрли самарқандликларнинг "Иттифоқ" ташкилотига аъзо бўлди. Кўп ўтмай унинг ўзи бу ташкилотнинг туман шўъбасига раислик қилди. 1917 йил июль ойида бўлиб ўтган митингда қора меҳнат билан эзилган халқнинг яхши яшашга ҳаққи борлиги ҳақида нутқ сўзлаганидан сўнг "Иттифоқ" жамияти аъзоларининг сони бирданига кўпайиб, беш юз кишидан ошиб кетди. Ўша йили шаҳар меҳнаткашлари Ф. Маҳмудовни вилоят кенгашига вакил қилиб сайлади.

Фаражулла миллат манфаати, халқнинг билим олиши, яхши турмуш кеңириши учун Саидризо Алмодов, Алиакбар Мамедов, Карим Ҳалимов, Раҳимбек Азимов каби дўстлари ва кишлоқдошлари билан ҳамкорликда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борди.

Самарқандда маҳаллий аҳолининг манфаатларини

қўзловчи фавқулдда комиссия ташкил этилди. Фаражулла Маҳмудов унинг бошлиғи этиб тайинланди. Энди у янги замон ёшларини тарбиялаш йўлида чинакам курашчига айланди. Унинг ғайрати туфайли ёшлар чет мамлакатларда тахсил олди, бир неча хориж тилларини ўрганди, замонавий фикрлаш қобилиятини ўстирди.

Гарчи Ф.Маҳмудов фаолиятини миллат манфаатига қаратган бўлса-да, мамлакатда тобора устун мавқега эга бўлиб бораётган большевиклар партияси гоъларига қарши боролмади. Бир йилдан сўнг, 1918 йилнинг ноябрь ойида "Иттифоқ" жамияти тарқатилди. У Боғишамол туман партия кўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Кейинчалик Самарқанд шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби, вилоят молия бўлими мудири, вилоят ижроия кўмитаси раиси, Туркистон Марказий ижроия кўмитаси президиумининг аъзоси бўлди. Аммо унинг бу хизматлари коммунистик партияга содиқ кимсаларга ёқмасди. Шу боис, 1937-1940 йилларда Сталин қатағони жабрдийдаси сифатида турмада ётди. Шу ўринда унинг ўзи айтган сўзларини келтирамиз: "Ватан дейилганида мен доим кўп миллатли Ўзбекистон Республикасини ташуманам.

Унинг ҳар бир қирчи ери меннинг Ватаним. Шу сабабли Ва-

танга, халққа астойдил хизмат қилишни муқаддас бурчим, деб биламан. Менинг эътиқодим шундай".

Ҳа, у шу эътиқоиди содиқ қолди. Иккинчи жаҳон уруши қизғин бораётган, юрағида ўти, билагада кучи бўлган қийинчилик йигитларининг бари фронтда бўлган пайтда вилоятимиз саноатини электр қуввати билан тўла таъминлаш мақсадида "Талиғулон" ГЭСи қурилишига бошчилик қилди. Бирорта ҳам техника воситаси бўлмаган шароитда ГЭС уч ойга қолмай ишга туширилди, барча қазий ишлари кетмон билан бажарилди.

Фаражулла бобо кексайган чоғида ҳам маҳалладошларига кўмакчи бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик пайтларидида ҳаётий тажрибаларини қўллаб, одамларни меҳнат қилишга, яқинларини йўқотган ёш-у қарини иродали бўлишга ундади. Дадил, кескир фикрлари билан улларга далда бўлди.

Меҳнат фажрийси Фаражулла Маҳмудов 1972 йилда 82 ёшида вафот этди. Отажон 6 нафар фарзанд ва бир этак невараларни тарбиялаб вояга етказди. Улар касб-корли бўлиб, юрт равнақи учун хизмат қилди ва қилмоқда.

Шу кунларда Фаражулла Маҳмудов хонадониди, қолаверса ўзи яшаган маҳаллада унинг 130 йиллиги, қолдирган эзгу ишлари, ёшларга ибрат бўлгулик ҳаёт йўли ёдга олинмоқда.

Ҳайдар ХОЛОВ.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Ургут туманидаги "BAROT HOMIDOV SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301327532) ўз устав фондини 132 392 685 (бир юз ўттиз икки миллион уч юз тўқсон икки минг олти юз саксон беш) сўмдан 17 034 469 (ўн етти миллион ўттиз тўрт минг тўрт юз олти миш тўққиз) сўмга қамайтормоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомиди қабул қилинади.

**Манзил: Ургут шаҳарчаси Почвон кўчаси, Дўстлик маҳалласи.**

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 13 декабрда 790646 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SHAMSI-BOBO MILLIY-TAOMLARI» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «SHAMSI-BOBO MILLIY-TAOMLARI» ОК) корхона таъсисчиларининг 2020 йил 21 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган, икки ой давомиди қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоти Самарқанд шаҳри Фарход кўрғони, «Фарход бозори» ҳудуди.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306942438.

Паст Дарғом туман давлат хизматлари марказидан 2019 йил 23 августда 754830 реестр рақами билан рўйхатга олинган «AGROSOY GARDENS» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «AGROSOY GARDENS» МЧЖ) жамият ягона таъсисчиларининг 2020 йил 21 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилган, икки ой давомиди қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоти Паст Дарғом тумани Элбек маҳалласи, Зафаробод қишлоғи.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306662984.

Оқдәр туманидаги «BIORESSERVES» хусусий корхонаси (СТИР: 300140332) ўз устав фондини 928 258 000 (тўққиз юз йигирма саккиз миллион икки юз эллик саккиз минг) сўмдан 456 758 000 (тўрт юз эллик олти миллион етти юз эллик саккиз минг) сўмга қамайтормоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомиди қабул қилинади.

**Манзил: Оқдәр тумани Лоийш шаҳарчаси, Амир Темур кўчаси, 73-уй.**

Ургут туманидаги «ISNUR QUTLAN TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302793040) ўз устав фондини 1 227 299 858 (бир миллиард икки юз йигирма етти миллион икки юз тўқсон тўққиз минг саккиз юз эллик саккиз) сўмдан 1 144 058 640.20 (бир милли-

ард бир юз қирқ тўрт миллион эллик саккиз минг олти юз қирқ сўм йигирма тийин) сўмга қамайтормоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомиди қабул қилинади.

**Манзил: Ургут шаҳарчаси Боғишамол маҳалласи, Қоратепа кўчаси.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Юлдашев Абдурахманга (2015 йил 19 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Гафоров Бахтиёр Хусановичга (2019 йил 30 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Зуҳрова Назоқатга (1995 йил 6 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Ашуров Абдушукор Раҳимовичга (2020 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Душанов Маъруфга (2019 йил 26 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасида марҳум Хайруллаев

Бозор Турақуловичга (1994 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Иштихон туманидаги 46-ўрта мактабдан 1999 йилда Холмунинова Зебунисо Пармановна номига берилган O'R-A № 480813 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги Боймуродов Аббос Худойбердиевич яққа тартибдаги тadbиркорининг (СТИР: 601721675) думалоқ муҳри бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги Фазлиева Мафтуна Тулкиновна яққа тартибдаги тadbиркорининг (СТИР: 581770966) думалоқ муҳри бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Равонақ қурилиш ва саноат касб-хунар коллежидан 2020 йилда Холмуродов Амиржон Уткурович номига берилган рўйхат рақами 4754, К № 5884514 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқаролар Остонов Азамат Давронович ва Мамадалиева Лола Жураевналар ўртасида Самарқанд шаҳри Зехний кўчасидаги «Ипак йўли» иxtисослаштирилган савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган савдо дўкони учун тузилган, «Кўчмас мулк савдо хизмат» МЧЖ Самарқанд вилот филиалида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва улларга бўлган ҳуқуқлари савдоларининг натижасида 2011 йил 26 декабрда тузилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси ва ушбу олдидан дўконнинг қадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Хуррамов Олимжон Қобилжонович номига берилган ТМ № 0718115 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдәр политехника касб-хунар коллежидан 2017 йилда Яндашев Мухаммад Бахтиёр ўғли номига берилган рўйхат рақами 148, К № 4711873 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Шарипова Фотиба Бахроновна номига берилган U № 1097669 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 1985 йилда Салихбаева Гульбахор Эркиновна

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!  
"SAMARQAND XALQARO AEROPORTI"  
масъулияти чекланган жамияти жамият матбуот котиби лавозимига танлов асосида ишга таклиф этади.  
Иш ҳақи: Сўхбат натижалари асосида келишилади;  
Иш вақти: Ҳафтасига 5 иш куни, соат 08:00 дан 17:00 гача,  
хизмат автоуловни тақдим этилади;  
Номзодга қўйиладиган талаблар: Олий маълумотли, журналистика факультетини битирганлиги афзалроқ.  
Хоҳловчилар 2020 йил 24 декабрь куни соат 09:00 да аэропорт биносига келишлари лозим.  
Талабгорлар ўз маълумотларини (резюме) куйидаги телеграм рақамларига жўнатишлари мумкин:  
Раҳмонов Асқар Анварович - 93-830-01-61.  
"SAMARQAND XALQARO AEROPORTI" МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

номига берилган ЛВ № 464999 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Турсунов Нурбек Мухаммаджонович номига берилган UM № 0533709 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "ALI QUSHCHI" масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 200973145) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган, завод рақами 1215006 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш қарточкаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги «SUVON CHORVACHILIK DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 303969089) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежидан 2009 йилда Бобонова Мафтуна Бердимурод қизи номига берилган К № 1274385 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳри марказидан барча қулайликларга эга умумий ҳовлидан уй сотилади. Уйдан офис сифатида фойдаланса ҳам бўлади.  
**Мурожаат учун телефонлар: 91-528-59-84, 90-374-90-24.**

Самарқанд давлат тиббиёт институти ректорати ва касаба уюшма кўмитаси Самарқанд вилот касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сўхроб Рафиқовга укаси  
**Абдуманнон РАФИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия ихсоз этади.

## ТАЪЛИМДА ТАНАФУС БЎЛМАЙДИ

## Дунё оториноларингологлари

Самарқандда халқаро конференция ўтказди

Самарқанд давлат тиббиёт институтида оториноларингологларнинг халқаро онлайн конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Польша, Болгария, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва мамлакатимиз олий тиббий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларидан 600 нафардан ортиқ тиббиёт соҳаси вакиллари иштирок этди.

Конференция ялпи мажлисида хорижлик мутахассисларнинг "Юқори нафас йўллари диагностикаси ва даволашда замонавий ёндашувлар", "Ўрта ва ички қулоқ касалликларини даволаш ва диагностикасидаги инновацион ёндашувлар" каби мавзуларда маърузалари тингланди. Шунингдек, кохлеар имплантация, ринохирургиядаги минимал инвазив эндоскопик операциялар, эшитиш қобилияти паст бўлган беморларни замонавий объектив текшириш усуллари, ларингеал шилшларни даволашда эндоларингеал ёндашувлар сингари отоларингология соҳасидаги муаммо ва ечимларга бағишланган яна кўплаб масалалар юзасидан маърузалар қилинди.

Чет эллик иштирокчилар Самарқанд давлат тиббиёт институти билан таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларида самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди. Халқаро конференция доирасида Озарбайжон давлат тиббиёт университети, Россиянинг Самара давлат тиббиёт институти ҳамда Болгариянинг Пловдив тиббиёт университети билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Одилбек АХМЕДОВ.

Жисмоний тарбия ҳамда спорт вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида бадий гимнастика бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди.

## Гимнастикачи қизларимиз маҳорат кўрсатди

Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 150 нафардан ортиқ маҳоратли бадий гимнастикачилар, спорт усталигига номзодлар ва спорт усталари яқалик, шунингдек, жамоавий беллашуларда баҳс олиб борди.

Нафосат беллашувида мактабимиз тарбияланувчилари ҳам муносиб иштирок этиб, мамлакатимиз терма жамоасига қабул қилинди, - дейди Самарқанд шаҳар 2-сонли болалар



ва ўсмирлар спорт мактаби директори Бекзод Пўлатов. - Айниқса, Тахмина Икромова, Асал Аҳмедова, Вилана Савадян, Амалия Мамедова, Феруза Сайдуллаева каби маҳоратли гимнастикачиларимиз энг яхши натижага эришди.

Қизиқarli кечган мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида пойтахтлик гимнастикачи қизлар кубок соҳиби бўлди. Самарқандликлар ҳамда бухороликлар иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

## Ўқувчиларнинг ҳарбийликка ҳаваси баланд

Юртимиз бўйлаб "Ватанпарварлик ойлиги" доирасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

Шундай тадбирлардан бири "Қим Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша" шиори остида Самарқанд шаҳридаги 57-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилди.

Унда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳаво ҳужумида мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисм офицерлари ҳаётий мисоллар орқали ёшлар қалбида ҳарбийликка бўлган ҳавасни уйғотди.

Тадбирда замонавий ҳарбий хизматчи қандай бўлиши кераклиги, билим ва кўникамага эга ёшлар аскарликка танлаб олиниши ҳақида тушунчалар берилди.

- Бу сафарги тарғибот тадбирлари ташкилий жиҳатдан олдингиларидан маънан ва мазмунан

фарқ қилади, - дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник Бахтиёр Маҳкамов. - Энг муҳими, мактабларда бу каби учрашувларни ўтказиш орқали юқори синф ўқувчиларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик кўникмасини шакллантиришга эришамиз.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳаво ҳужумида мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисмида ҳам юқоридаги шиор остида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси С.Элмуродов ҳарбий хизматчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди.

Зўхра ТОШЕВА.

## Уйда таълим олаётган болаларга қандай имкониятлар яратилган?

2020-2021 ўқув йилида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларининг жами 1324 нафар ўқувчиси уйда яқка тартибда таълим олмоқда. Уларга 3370 нафар ўқитувчи дарс беради.

Уйда яқка тартибда таълим олаётган ўқувчиларнинг 1264 нафари ўзбек, 2 нафари рус тилида, 10 нафари тожик тилида ўқийди.

Уларнинг соғлиғи, таълим олиши учун яратилган шароит-

лар, улар яшаётган оиладаги ижтимоий муҳит вилоят прокуратураси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганилди.

Ўрганиш натижасида тиббиёт соҳасига оид 331 та, таълим соҳасига оид 227 та, бошқа йўналишларга доир 136 та муаммо аниқланди. Жумладан, 52 нафар боланинг ногиронлик аравачасига, 5 нафарининг эшитиш мосламасига, 19 нафарининг ҳассага эҳтиёжи борлиги аниқланиб, уларнинг барчасига ушбу жиҳозлар топширилди. Шунингдек, 138 нафари даволаниш учун тиббиёт муассасаларига бириктирилди.

Бундан ташқари, 9 нафар уйда яқка тартибда таълим

олаётган ўқувчига 20 турдаги дарслик, 21 нафарига доска, 16 нафарига парта, 7 нафарига ўқув стули, 54 нафарига турли ўқув қуроллари етказиб берилди. Китобхонликка қизиқувчи 98 нафар бола бадий адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, 21 та умумтаълим мактабига яқка тартибда ўқитилаётган ўқувчиларга таълим бериш жараёнида фойдаланиш учун ноутбук совға қилинди.

Ўрганишлар давомида болалар яшаётган оилаларнинг моддий аҳволига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мутахассислар хулосасига кўра, моддий ёрдамга муҳтож бўлган 31 нафар болага нафақа тайинланди, 7 нафар боланинг ота-онаси доимий ишга жойлаштирилди, бир нафарига тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома топширилди.



Аловуддин ОЧИЛОВ,  
вилоят халқ таълими бошқармаси  
болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва  
қўллаб-қувватлаш шўъбаси мудири.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҲУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАСИ



ҲАМДА ИШТИХОН, ҚЎШРАБОТ, ПАЙАРИҚ ВА НУРОБОД ТУМАН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

барча юртдошларимизни

2021 йил

билан самимий табриклайди.

ЯНГИ ЙИЛ

юртимизга қут-барака келтирсин!



ҲАМИША ЙЎЛИНГИЗ РАВОН,  
МАНЗИЛИНГИЗ ЯҚИН БЎЛСИН!

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:  
халқ  
депутатлари  
Самарқанд  
вилоят Кенгаши  
ва вилоят  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
9 767 нусхада чоп этилди. Буюртма 785

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.  
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.  
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй,  
Матбуот уйи.

Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:

А.ҲАЙДАРОВ.

Навбатчи:


Т.СИДДИҚОВ.

Саҳифаловчи:

Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009